

## **РИЗҚ МАНБАЙИ ЕРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИНГ.**

Ер даромад манбаи. Ундан самарали фойдаланиш ва даромад олиш ҳар бир фуқаронинг пировард мақсади ҳисобланади.

Аҳолининг даромад топишга қаратилган тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-кувватлаш, аҳолига аграр тармоқда ўз бизнесини ташкил этишга кўмаклашиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда деҳқон хўжаликларининг улушкини ошириш ва қишлоқ хўжалигини диверсификациялаш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 2021 йилнинг 23 ноябрь куни Президентимизнинг ПҚ-20-сонли қарори қабул қилинган.

Мазкур қарор ижроси юзасидан туманимизда ҳам кенг қўлламли ишлар амалга оширилмоқда.

Худудларда фуқароларга қарор асосида фойдаланиш ва даромад манбаига эга бўлишлари учун ер майдонлари ажратиб берилмоқда. Бироқ, ердан унумли ва самарали фойдаланиш баробарида унинг ҳуқуқий ва қонуний тартиб ва тамоиллари борки, бу тартиб ва қоидаларга риоя этиш ҳам биздан катта масъулият талаб этади.

2022 йил 01апрель куни мазкур ишларнинг давоми сифатида туман 2 ва 3-секторларидағи Дехқонтўда, Чорбоғтўранғи ҳамда Қум мфй ларида жиноят ишлари бўйича Бешариқ туман судининг раиси О.Хасанов ҳамда туман судининг судьяси Н.Саломовлар томонидан 201 нафар ижарага танлов асосида ер олган фуқароларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-20-сонли қарори мазмун-моҳиятини тушунтириш, шунингдек, қонунчиликдаги янгиликларни фуқароларга етказиш мақсадида очик мулокот тарзидаги учрашув ўтказилди. Учрашув давомида 10 йил муддатга ижарага ер олган фуқароларга суд томонидан тайёрланган буклетлар тарқатилди

Туман судининг раиси О. Хасанов

2022-04-07 09:02:42